ТАЛАБАЛАРНИНГ МАНЗАРА ИШЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ БАЪЗИ МУАММОЛАР

М. Ж. Маҳмудов
Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика Институти
m.mahmudov@cspi.uz

АННОТАТЦИЯ

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни замонавий педагогик тажрибанинг долзарб вазифаларидан бири - янги педагогик технологиялардан фойдаланиб, уларни келажакдаги рассом ўқитувчиларини тайёрлашда, касбий фаолиятида қўллашда, "Расм дарслари пайтида талабалар ўртасида пайдо бўлган баъзи муаммолар" ни ҳал этишда очиқ ҳавода расм чизишга ўргатишдан иборат.

***Калит сўзлар*:** Пленер, кўникма, перспектива, ранг, манзара, ранглар уйғунлиги, тасвирий санъат, педагог, технология,дала амалиёти.

SOME PROBLEMS IN THE PROCESS OF STUDENTS' LANDSCAPING

M. J. Mahmudov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
m.mahmudov@cspi.uz

ABSTRACT

One of the most important tasks of modern pedagogical practice for future teachers of fine arts is to use new pedagogical technologies in the training of future teachers of art, to use them in their professional activities.

Keywords: Plener, skill, perspective, color, landscape, color combination, fine arts, pedagogy, technology, field practice.

КИРИШ

Дала амалиёти жараёни бу – талабаларнинг табиат қўйнида, очиқ ҳавода рангтасвир кўникмаларига эга бўлишларини такомиллаштириш мақсадида ўтказиладиган ўқув машғулоти ҳисобланади. Очиқ ҳавода бажарилган тасвирлар ўқув аудиториялардаги машғулотлар жараёнида ишланган натюрмортларга қараганда фарқ қилиб, рангтасвир ишларининг ёруғ-соялари, соялардаги рефлекслар, ранг нисбатларининг хилма-хиллиги, рангдорлиги,

рангларнинг жозибадорлиги ва жарангдорлиги билан кишини ўзига жалб қилади.

Талабалар очиқ ҳавода ишлаш мобайнида борлиқнинг кенглигини нафақат перспектива қонун-қоидалари ёрдамида, балки фазовий бўшлиқни англай олиш орқали, табиатдаги соф ҳавони ҳис қилиб, уни тоза рангларда ифодалашга ўрганадилар. Улар узоқдаги туманли тоғлар, қир-адирлардаги масофавий кетма-кетликнинг майин ва енгил кўкиш ранглари, мовий осмондаги оппоқ, пардек юмшоқ булутлар, дарахтлар, сувлар, тошлар, ўт-ўландаги рангларнинг бир-бирига таъсири ҳақидаги тушунчаларга эга бўладилар. Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари “тасвирий санъат” йўналишида таълим олаётган талабаларнинг бевосита ўқув жараёнига кирувчи дала амалиётининг асосий вазифаси – тасвирий санъатнинг муҳим жанрларидан бири бўлган манзара жанрида табиатдаги меъморий обида бўлаклари, ҳар хил ҳайвонлар, парандалар ва қушлар расмларини тасвирлай олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Пленердаги бу машғулотлар талабалардаги ижодий кўникмаларни ривожлантиришда чексиз имкониятлар яратади. Ўқув фаолият даври бўлган дала амалиёти ўқув жараёнидаги рангтасвир, қаламтасвир, композиция каби махсус фанларни ўзлаштиришнинг узлуксиз давоми бўлиб, тасвирий санъат йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак рассом-педагоглар тайёргарлигини оширишнинг таркибий бир бўлаги ҳисобланади. Талабалар билан ўтказиладиган дала амалиётининг мақсади аудиторияларда қаламтасвир ва рангтасвир дарсларида ўрганган билим ва кўникмаларини кенгайтириш, мустаҳкамлаш, очиқ ҳавода табиий ёруғлик шароитида бу олган ижодий кўникмаларини амалда қўллай олиш, бажара олиш малакаларининг ошишига ёрдам беради. Шунингдек табиат билан бевосита мулоқотда бўлиш улардаги ижодий қобилиятларининг кенгроқ шаклланишида жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу қобилиятларнинг шаклланишига қулайроқ шароит яратиш учун, улардаги ҳар хил тасвирлаш материалларидан фойдаланиш кўникмалари қатори табиатни ўрганиш ва касбий билимларининг ўсиш даражаси ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Турли хил бўёқ турларидан фойдаланиш талабаларнинг рангни қабул қила олиш маданиятини тарбиялайди ва уларнинг бадиий дид, фазовий тасаввурларини ривожлантиришга ёрдам беради

Тасвирий санъатда талабаларнинг бадиий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун мутухассислар томонидан кўплаб ишлар қилинган. Очиқ ҳавода табиий қуёш нури таъсирида ранглар ўзгарганлиги сабабли қисқа

муддатли вазифалар ва пленерда умумий ранг – тус бирлигини ўрганиш учун узоқ муддатли машқлар бажариш вазифалари ишлаб чиқилган. Масалан: рус рассомларидан А.А.Василев тайёргарлик машқлари сифатида натюрморт, шунингдек ўзаро нисбатлар (осмон, ер, сув)ни тасвирлашни ўрганиш учун манзаралар ишлашни таклиф қилади. У бу каби вазифаларнинг зарурлигини пленерда рангтасвир ишлашда табиатдаги барча кўринишни бирдан қамраб олиш жуда қийин ва талаба улардан асосийсини ажратиб ола билмаслигини айтади. Шунингдек Василев ишни ҳовли, буталар, дарахтлар, тошларни акс эттирувчи оддий ранглавҳалар ишлашдан бошлашни тавсия этади. Лекин пленер шароитида ранглар уйғунлигини кўришни ривожлантиришга кам эътибор қаратади. У манзара, натюрморт ишлашни тадқиқ қилади, очиқ ҳавода портретлар ишлашга доир бир қатор фойдали маслаҳатлар беради.

В.М.Соколинскийнинг “Манзара ранглавҳаси композицияси пленер рангтасвирини ўрганишнинг бошланғич босқичларида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг бир усули саналади”(1994 й.) номли илмий ишида талабаларнинг ишларидаги манзара композицияси билан боғлиқ саволлар муаммо сифатида қўйилади. Қуйи курсларда манзараларни рангда ишлаш масалалари кўриб чиқилади, чунки айнан шу босқичда пленерда рангтасвир ишлашга доир саволлар ечимини топиш мумкин. В.М.Соколинский устахоналарда рангтасвир бўйича қўшимча ишлар қилиш, табиат қўйнига ўқитувчи билан бирга чиқиш, талабаларнинг дарсдан ташқари мустақил ишлаши, манзарачи рассомларнинг асарларидан нусха кўчириш, хотирадан расм ишлаш, адабий асарларга бадиий безакларлар қилиш, манзара жанрида педагогик расмлар ишлаш, ҳар хил тасвирлаш материалларидан фойдаланиш, ўқув манзара ишларини жамоа бўлиб таҳлил қилиш каби машғулотларнинг турлари устида батафсил тўхталиб ўтади. Лекин бу тадқиқотда талабаларнинг ранглар уйғунлигини кўриш қобилиятларини ривожлантириш мавзуси етарли даражада тўлиқ ёритиб берилмаган.

С.Е. Токарев ўзининг тадқиқотларида ранг-тус қарама-қаршилиги ва ассосатив фикрлашга оид изланишларга таяниб объектни умумий кўришни шакллантириш усуллари тизимини таклиф қилади. У ўзининг тадқиқотларида : амалий ишлашни ўрганиш ва таҳлил қилиш, кузатиш, суҳбатлар, педагогик тажрибалар, объектни яхлит кўра олишни ривожлантириш каби бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб турадиган тадқиқот усулларини кўриб чиқади. Олим дала амалиёти шароитида талабаларнинг ранглавҳалар бажаришларининг барча босқичларидаги педагогнинг муҳим роли, унинг шахсан ишлаб кўрсата олиш қобилиятларига катта эътибор беради. С.Е.Токарев оконстант кўриш, ижодий қобилиятларининг ўсиши учун машқлар, ранг-тус муносабатларини

бера олиш учун машғулотлар, кўп планли манзаралардаги борлиқ (ҳаво)ни ҳис қилишга оид вазифалар, катта ҳажмдаги ишлар машқ қилиш каби қобилиятларни ривожлантириш тизимини таклиф этади. Вазифалар 2 бўлимдан иборат бўлиб, биринчисига қисқа муддатли ранглавҳалар бажариш кирса, иккинчи бўлимга чуқур бўшлиқ, кўп планли манзара кўринишларини ишлаш кўзда тутилади. Аммо бунда ранглар уйғунлиги, фазода ранг-ҳаво муносабатлари қандай ўзгаришига боғлиқ масалаларга камроқ эътибор берилган.

Н.Я.Масловнинг “Пленер” ўқув қўлланмасида очиқ ҳавода ишлаш турларининг номлари келтириб ўтилган, мақсад қўйилган, лекин бажариш учун аниқ тавсиялар йўқ.. Ранглавҳа қисқа муддатли дейилган, лекин унинг давомийлиги кўрсатилмаган. Мавзуга оид умумий тушунтиришлар бор, лекин улар етарли даражада эмас. Юқорида айтиб ўтилганлар 1-курсдаги “Манзарадаги ҳолат” мавзусига тегишли. Шунга ўхшаш “Манзарадаги ҳолат” мавзусидаги фикрлар ҳам ёритиб ўтилган бўлиб, бу мавзулар нисбатан батафсилроқ ёритилиб берилган. Бошловчи талабаларга аввало композитсион мавзудаги ўзига хос хусусиятли вазифаларни бажариш таклиф этилади ва шунга яраша биринчи босқичлар учун махсус топшириқ ва машқлар келтириб ўтилади. Лекин рангларнинг иссиқ – совуқ кўринишлари, бўёқлар турлари ва уларнинг умумийлигини ифодалашга оид машқларга эътибор камроқ қаратилган.

“БГФ талабаларига рангтасвир машғулотлари ўтишда ранглар уйғунлигини кўришни ривожлантириш (юқори курслар учун)” (1992 й.) мавзусидаги Е.А. Хижнякнинг диссертатсия илмий ишида ранглар уйғунлиги, мутаносиблиги, колорит ҳақида сўз боради. Унда талабаларга маълум бир назарий билимлар бериш, рангда ҳажмни, фазовий кенгликни тасвирлай олиш метод ва усулларини эгаллаш таклиф этилади. Тадқиқот устахоналарда натюрморт, портретлар, гавда рангтасвирларини ишлаш машғулотлари ўтишга асосланади. Олимнинг илмий изланишида ўзгарувчан ёруғликда, устахонада бажариш мумкин бўлмаган шароитларда табиатни ҳар хил ҳолатларда кузатишга (тонг,туш пайти, кечки пайт кўринишлари, қуёш ботиши, ёмғир, шамол) имкон берадиган, ранглар уйғунлигини кўришга бой материал тўплаш мумкин бўлган манзаралар ишлашга кам эътибор берилганлигини кўрамиз.

НАТИЖАЛАР

Юқорида санаб ўтилган манбаалар шуни кўрсатадики, бу муаллифларнинг илмий ишларида пленер шароитида буюмлар рангларини яхлит кўриш малакаларини оширишга боғлиқ машқлар бажаришга оид

масалага етарли эътибор берилмайди. Бўёқлар турлари, рангларнинг иссиқ-совуқ товланишларини кўришга доир машқлар етишмайди. Ранглар нисбатлари билан рангтасвир ишлаш методикаси эса дала амалиёти шароитида ишлаш жараёнининг асосига мослаб қўйилмаган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган олимларнинг фикрларидан фарқли ўлароқ биз талабаларнинг ёшига ҳам эътибор беришни тавсия қиламиз. Чунки 1-курсга ўртача 15 дан 20 ёшгача бўлган ёшлар келишади. Бу эса уларда ҳам ўсмирликнинг юқори босқичи эканлиги, улардаги қизиқиш ҳали болаликдаги қизиқиш бўлиб, улар кўринишни ҳамма икир-чикирлари билан чизишга кўп эътибор беришади ва умумийликни ёддан чиқариб қўйишади. Биз манзара чизишда авваломбор асосий нисбат (ер, сув ва осмон орасидаги)ни илғаб олиш учун қисқа муддатли ранглавҳа ва қаламчизгилар ишлашни тавсия этамиз. Бу каби ранглавҳалар бажариш колорит, табиат ҳолатини сезиш кўникмаларини ривожлантиради ва талабаларда ниманидир нотўғри қилиб қўйишдан қўрқиш ҳиссини йўқотади. Биз ўқитувчилик фаолиятимиздаги шахсий тажрибаларга суянган ҳолда шуни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, талабалар ҳаттоки мураккаб бўлмаган ҳолатларда ҳам нисбатлар олишга қийналишади. Манзарани муносабатлар усули билан тасвирлаш жараёнида ёш рассом табиатдаги ҳақиқий мавжуд рангларини тушунишга, уларнинг асл рангини умумий туси билан мослигини кўришга бирданига эришмайди. Пленерда ишлашга чиқар эканлар, кўпинча уларнинг очиқ ҳавода тез ўзгариб турадиган табиатни тасвирлашга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолади. Улар табиат билан юзлашганда ҳар хил бўёқларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунмайдилар ва амалда қўллай олмайдилар. Шу сабабли табиатдаги тусларва нарсаларнинг рангини нотўғри таҳлил этиш натижасида рассом ранг ва тус муносабатларини адаштириб, ранглавҳанинг жозибали чиқишига эриша олмаслиги ва ўзгарувчан ёруғликда ранглархар хил бўлиб кўриниб туришини яхши сезмаслиги мумкин. Улар амалиёт жараёнида кўпинча қуёш чиққандан кейинги ва қуёш ботишигача бўлган бир хил ҳолатни тасвирлашганининг гувоҳи бўламиз. Ваҳоланки рангларнинг ўзаро уйғунлиги ҳолатининг энг кўп сезиладиган пайтини тонг пайти, қуёш ботишида ёки кечки ой ёруғида табиатни кузатиш жараёнида кўриш мумкин. Куннинг бу пайтлари тепадан тушиб турган қуёшнинг кучли нури таъсирида ён-атроф бир хил ранг бўлиб кўринадиган туш пайтларига нисбатан тонг отиш пайтидаги оч зарғалдоқ ва кўкиш ранглар ёки кечки шафақда қизғиш ранглар таъсирида рангларнинг товланишини тасвирлаш қизиқарлироқ ва фойдалироқ бўлади.

Фазо - тиниқ муҳитдир. Лекин унинг тиниқлиги табиатнинг турли ҳодисалари таъсирида ўзгариши мумкин. Масалан: ҳаво намлиги, атмосфера

босимининг ўзгариши, ҳаводаги чанг-тўзон таъсири, ҳавонинг булутлилиги ва бошқалар. Шунинг учун тасвирланаётган объектнинг фазо бўшлиғидаги ҳолатига (ранг, нисбат, тус ва ундаги алоҳида бўлаклари) ва кўринишларига кескин таъсир этади. Фазо перспективаси объектнинг куннинг қайси вақтида тасвирланаётганлиги (эрталаб, кундузи, кечқурун), йил фасллари (баҳор, ёз, куз, қиш) ҳамда атмосфера ўзгаришига (қуёшли ёки булутли) қараб ҳам ўзгаради.

Қуёшнинг эрталабки, тушки, кечки пайтларидаги нури барча нарсаларга ва манзара обектларига тушиб, ундаги рангларни ўзгартириб туради. Шунинг учун ҳар хил вақтлар: қуёшли кун, тонг ёки кеч пайтлари табиат кўринишлари ҳар хил рангларда товланади. Бундай шароитларда машқларни бажара туриб барча эътиборни кўринишдаги умумий тус ва рангларнинг ўзгаришларига қаратиш лозим. Бу ҳолатда манзара ранглавҳаларида тус ва ранг яхлитлиги ва бирлигининг йўқлиги рангларнинг майдаланишига ва пала-партиш кўринишига сабаб бўлиб, ишнинг сифатини бузади. Бошловчи рассом тасвирий асар барча рангларнинг ўзаро боғлиқлиги асосига қурилишини ёддан чиқармаслиги керак.

МУҲОКАМА

Манзара ишлашда кўринишдаги ҳамма нарсани илғаб олиш ва улардан энг асосийсини ажратиб кўрсатиш каби қийин ҳолатларга дуч келамиз. Бунда кўринишнинг қулай ҳолатини аниқлаб олиш учун картондан ясалган, ичи тўғри тўртбурчак шаклда қирқиб олинган дарчадан тасвирланмоқчи бўлинган кўринишга қараш яхши фойда беради. Рангтасвирда манзара ишлашнинг ҳар қайси босқичида диққатни кўринишнинг умумий ранг-тус ҳолати, ранглар уйғунлигини тўғри тасвирлашга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Палитрадаги ранглардан тўғри фойдаланиб яратилаётган тасвирда осойишта, завқлантирувчи, жўшқин ҳамда хавотирли, маюс ҳолатларни ифодаш мумкин. Шунингдек ранглар илиқ ва совуқ, ёрқин ва бўғиқ бўлиши мумкин. Тасвирни бундай ифодалаш табиатдаги айни мавжуд ҳолатга (қуёшли, булутли,иссиқ, совуқ ва ҳ.к...) ҳамда тасвирловчи шахснинг руҳий ҳолати, кайфиятига ҳам боғлиқ. Буни талабалар ўзлари бажарган ишларини маълум вақт ўтгач қайтадан кўриб кузатар эканлар, ўзлари гувоҳ бўладилар.

Кўпгина олимларнинг фикрига кўра талабаларнинг манзара ишлашга оид ижодий қобилиятлари ва кўникмаларининг ошиши учун ёз пайтида ўтказиладиган дала амалиётининг ўзи кифоя қилмайди. Рассом-педагог шахсининг шаклланиши ва уларнинг ранглар уйғунлигини кўра олиш салоҳиятини ўстириш учун дала амалиётини баҳор ва куз ойларида ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, бу уларда ҳар бир фаслда йил мобайнида ҳар хил ранглар уйғунлиги ҳолатини кузатиш ва англаб етиш

имконини берган бўлар эди. Ҳозирда дала амалиётидан ташқари пайтларда талабалар бу мавзуда умуман ишлашмайди, десак тўғри бўлади. Бўлғуси рассомлар, тасвирий санъат ўқитувчиларида ранглар уйғунлигини кўришни ривожлантириш шунинг учун муҳимки, улар келажакда ўз ўқувчилари билан бирга махсус мактаб ва коллежларнинг дастурлари бўйича манзара ишлашга оид вазифаларни кўплаб бажаришларига тўғри келади.

Дала амалиётида манзаралар ишлаш талабаларнинг нафақат акварел гуаш ва мойбўёқ техникасини ва табиатдаги рангларнинг ўзаро уйғунлигини кўриш, балки бошқа бир қатор вазифалар ечимининг ҳал этилишига ҳам ёрдам беради. Уларда:

- Манзаранинг композиция ечимини топиш;
- Ишлаётганда манзаранинг майда бўлакларини эмас бутун кўринишини қамраб олиш қобилиятларини ўстириш;
- Қоғоз ёки мато юзасида тез ва сифатли ранглавҳалар бажариш;
- Ўз ижодий қобилиятларининг янги қирраларини оча олиш;
- Бадиий-ижодий қобилиятларини ўстириш;
- Ўзига ишониб дадил ижод қила олиш каби сифатларни шакллантиради.

Ҳар хил тасвирлаш воситалари ёрдамида турли техникаларни қўллаб, тез бажариладиган машқ ва вазифалар бажариш, айниқса - акварелда “ала-прима” усули билан ранглавҳалар бажариш, манзара ишлашга киришиш олдидаги ҳар бир талабада кузатиладиган маълум бир чўчиш ҳиссини йўқ қилишга ёрдам беради. Таълим беришни самарали ташкил қилиш учун талабада манзара ишлашга нисбатан меҳр уйғотиш, қизиқтириш, мустақил равишда ижод қилишига жалб этиш керак бўлади. Бунинг учун нарсанинг ўзига қараб ва тасаввурдан расм ишлаш каби вазифалар ҳамда ҳар хил мавзуларда ранглавҳалар бажариш мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСА

Талабаларда ранглар уйғунлигини кўриш кўникмаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатадиган фаолиятлар қуйидагилардир:

-пленерда нарсанинг ўзига қараб ишлаш, ўқув натюрмортларни бажариш, бир жойнинг ўзини куннинг турли пайтларида ишлаш;

-композициянинг образли ечимини топишда йўналтирилган мустақил вазифалар;

-қисқа вақтда бажарилган манзара ранглавҳалар;

-таълимга хусусий ёндашиш;

- бажарилган ишлар таҳлили, кўриклар;

- тасвирий санъат музейлари ва кўргазмаларга ташрифлар;
- миллий ва жаҳон акварел усталари ишлари билан танишиб бориш;
- талабаларнинг ижодий ишларидан кўргазмалар ўтказиш.

Юқорида қайд этилган машқлар талабаларнинг нафақат ранглар уйғунлигини кўриш қобилиятларини ривожлантиради, балки уларнинг дунёқарашини ҳам беқиёс даражада кенгайтиради, ҳар хил тасвирлаш воситаларида ранглавҳалар бажариш асносида ижодий тафаккурларини бойитади. Ён атрофимизни ўраб турган гўзалликлардан илҳомланади санъатга меҳр уйғотади ва натижада уларнинг ижодий меҳнатларининг фаоллашишига сабаб бўлади. Тўплаган таассуротларига асосланиб турли хил манзара композициялари ҳақидаги янги фикрлар, ғоялар туғилади., Бундан ташқари очиқ ҳавода ишлаш натижасида уларнинг “палитра”лари янги тоза ранглар билан бойиб боради ва уларнинг аудиторияларда чекланган ёруғлик шароитларида натюрморт, портрет ҳамда амалий санъат дарсларида ҳар хил нақш композициялари чизишларида бу кўникмалар жуда асқотади. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг келгусидаги касбий – ижодий фаолиятлари учун мустақил равишда тугалланган асарлар яратиш ҳамда битирув малакавий ишларни сифатли бажариш учун замин яратади.

REFERENCES

1. Султанов, Х. Э., Анкабаев, Р. Т., Хасанова, Н. С., & Чориева, Н. Ш. (2017). Инновационные методы обучения на занятиях по изобразительному искусству. In *Актуальные вопросы современной педагогики* (pp. 103-105).
2. Ne’mat, A. M., & Ankabaev, R. T. (2018). Methodological Principles of Training Fine Arts. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
3. Ирбутаева, М. Т., Махмудов, М. Ж., & Махмудов, М. Э. (2020). ЖИВОПИСЬ И ГАРМОНИЯ МУЗЫКИ. *Ученый XXI века*, *6-1*(65), 31-34.
4. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Importance of illustrations for perception of content of the book. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(4), 98-101.
5. Shuhratovich, I. U. (2020). Application of innovation in teaching process. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(5), 4-8.
6. Saidazimovich, B. I., Turgunovich, A. R., Jabbarovich, M. M., & Tairovna, I. M. (2020). THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE LANDSCAPE GENRE IN THE FINE ARTS. *EPRA International Journal of Research and Development*, *5*(3), 423-424.
7. Eralievich, S. K., Mukhamatsultonovna, M. I., Saidazimovich, B. I., & Turgunovich, A. R. (2020). The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(05), 6586-6591.

8. Shuhratovich, I. U. (2020). Technologies of working on graphic materials in fine arts classes (on the example of working still life in the pen. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(4), 41-45.
9. Байметов, Б. Б., Собиров, С. Т., & Исматов, У. Ш. (2019). ПРОБЛЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА. *Вестник науки*, *1*(7), 63-66.
10. Tursunmurotovich, S. S., Eraliyevich, S. X., & Shuhratovich, I. U. (2020). Illustration and the Influence of Illustrator on Children's Understanding of Fairy Tales and Works of Art in Books. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(05), 3526-3533.
11. Eralievich, S. K., Tursunmurotovich, S. S., & Mukhamatsultonovna, M. I. (2020). THEORETICAL BASIS OF CLUSTER APPROACH IN FINE ARTS EDUCATION. *Journal of Critical Reviews*, *7*(9), 108-111.
12. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Bolalar ijodiy qobilyatini rivojlantirishda grafik rassomlar hayoti va ijodiy faoliyatini organishning muhimligi. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, (2), 460-464.
13. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Some Factors That Impede The Development Of Students' Creative Abilities In Fine Art Classes. *Asian Journal of Research*, *1*(3), 214-218.
14. Saidazimovich, B. I. (2020). 50 Years Of The Xx Century The Development Of The Uzbek Landscape Genre. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(6), 62-64.
15. Султанов, Х. Э., Худайбердиев, П. У., & Собиров, С. Т. (2017). Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени. *Молодой ученый*, (4), 385-389.